O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2004 йил 3 ноябрь, № 227 (3502) Чоршанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 ноябрь куни Оқсаройда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) президенти Тадао Чинони қабул қилди.

— Ўзбекистонда Сизни фақат Осиё тараққиёт банкидек нуфузли молия муассасаси раҳбари сифатида эмас, балки мамлакатимиздаги ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган дўст сифатида ҳам яхши билишади, — деди Ислом Каримов.

Дарҳақиқат, ОТБ иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг яқин ва фаол ҳамкоридир. Банк ҳар уч йилда ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиб, ҳаётга изчил татбиқ этиб бормоқда.

Ўзбекистон билан ОТБ ўртасидаги ҳамкорликда транспорт ва шаҳар инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги, таълим, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш каби муҳим соҳалар асосий ўрин эгаллайди.

Т.Чинонинг юртимизга бу галги ташрифи чоғида 2008 йилгача Ўзбекистонга 150 миллион АҚШ доллари миқдорида янги кредит ажратиш борасида келишувга эришилди.

Ўзбекистон ва ОТБ ҳамкорлиги кўп томонлама асосда ҳам ривожланмоқда. Банк раҳбарияти Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш борасида бошқа халқаро молия муассасаларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириб боришга қарор қилган.

ОТБ "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотининг транспорт, сув-энергетика ва озиқ-овқат консорциумларини тузиш концепцияларига қизиқиш билан қарайди. Ташкилотнинг октябрь ойида Душанбеда ўтган саммитида бу консорциумларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Айни пайтда ОТБ минтақа мамлакатлари билан ҳамкорликда бу қарорни ҳаётга жорий этиш масалаларини ўрганмоқда.

Ўзбекистон билан ОТБ ҳамда бошқа халқаро молия институтлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, иқтисодий ислоҳотлар дастурини амалга оширишга ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга яқиндан кўмаклашаётгани учун ОТБ президенти Тадао Чино Ўзбекистон Президентининг Фармони билан Ватанимизнинг "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди.

Учрашувда Ислом Каримов меҳмонга ана шу юксак мукофотни топширди.

Т.Чино бу юксак мукофот учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ва ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида Ўзбекистон ва ОТБ ҳамкорлигини янада кенгайтиришга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

Олий Мажлисда

Кеча иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни ишчи гуруҳи раҳбари — Олий Мажлис Раиси ўринбосари Б. Бугров олиб борди.

ИШЧИ ГУРУҲИ ЙИҒИЛИШИ

Ишчи гуруҳи раҳбари йиғилишни очар экан, парламентнинг навбатдаги сессияси муҳим аҳамиятга эга эканлигини, унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги кутилаётган ижроси ҳақидаги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисидаги масалалар, жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилишини таъкидлади. Сессияни сиёсий, ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш, депутатлар самарали ишлаши учун мақбул шароит яратилишини таъминлаш зарурлигига алоҳида урғу берилди.

Сессиянинг муваффақиятли ўтиши парламент қўмиталари ва комиссиялари, сиёсий партияларнинг депутатлар фракциялари, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блоклари унга қандай тайёргарлик кўришига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Йиғилишда депутатлар ишчи гуруҳи сессия муҳокамасига киритиладиган барча ҳужжатларнинг лойиҳалари ўз вақтида, сифатли тайёрланиши, бошқа бир қатор масалалар тезкорлик билан ҳал этилишини таъминлаши лозимлиги айтилди.

Депутатлар ишчи гуруҳи фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида унинг таркибида учта кичик гуруҳ тузилди. Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М. Сафаева бошчилик қиладиган кичик гуруҳнинг асосий вазифаси сессияга доир материалларни тайёрлаш ва уларнинг депутатларга олдиндан етказиб берилишини ташкил этиш, ҳужжатларнинг лойиҳалари юзасидан тушадиган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириб боришдан иборат деб белгиланди.

Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў. Ҳошимов етакчилигидаги гуруҳ журналистларни аккредитация қилиш масаларини ҳал этади, парламент сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни, сиёсий партияларнинг депутатлар фракциялари, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокларининг қонунчилик ишидаги иштироки оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилишини ташкил қилади. «Рада-Мажлис» электрон овоз бериш тизими аниқ ишлашини ва ялпи мажлислар залида синхрон таржимани таъминлаш вазифаси ҳам мазкур кичик гуруҳ зиммасига юклатилди.

Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И. Қочмарик раҳбарлик қиладиган учинчи кичик гуруҳ бутун саъй-ҳаракатини сессия вақтида депутатлар унумли ишлашлари учун уларга зарур шароитларни таъминлаб беришга қаратади.

Депутатлар ишчи гуруҳи аъзолари амалга ошириладиган ишлар режасини атрофлича муҳокама қилдилар ва сессияга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан қатор таклифлар билдирдилар. Йиғилишда кичик гуруҳлар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисида мунтазам ҳисобот бериб боришлари, тайёргарлик асносида юзага келадиган барча масалалар бўйича фикр алмашиб туришлари ҳамда бир-бирларига зарур амалий ёрдам кўрсатишлари ҳақида қарор қабул қилинди.

Х. ЭШМАНОВ.

26 декабрь

Халқ. Демократия. Сайловлар

Сайловга тайёргарлик қандай бормоқда?

Марказий сайлов комиссиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш жараёни муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев бошқарди.

Йиғилишда Тошкент шаҳри, Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудидаги Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раисларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотлари тингланди.

Мамлакатимизда сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинганига қирқ кундан ошди. Бу орада жойларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга тайёргарлиқ борасида анча ишлар қилинди. Округ сайлов комиссиялари сайлов тўғрисидаги қонунчиликда кўзда тутилган ваколатлари доирасида фаолият юритмоқда. Шу кунларда барча сайлов округларида участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш ишлари давом этмоқда.

Таъкидланганидек, округлар сайлов комиссиялари учун қулай бинолардан хоналар ажратилди. Уларни мебеллар билан жиҳозлаш, транспорт, компьютер техникаси, алоқа воситалари, сайлов ашёлари билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Айрим ҳудудларда аввалги сайловларга, референдумга тайёргарлик ва уни ўтказиш даврида кўзга ташланган телефонлаштириш билан боғлиқ муаммолар ҳам ижобий ҳал этилмоқда.

Хусусан, Жиззах вилоятининг муқим телефон алоқаси ўрнатиш мумкин бўлмаган ҳудудларидаги сайлов участкалари уяли телефонлар ва рациялар билан таъминланган. Навоий вилоятининг чўл ҳудудидаги элликта сайлов участкасида эса радиотелефонлар ўрнатилган.

Шу билан бирга, айрим сайлов округларида сайловни моддий-техника жиҳатидан таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд. Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани ҳудудидаги сайлов участкалари компьютер, факс каби зарур техника воситалари билан жиҳозланмаган. Тошкент вилояти Чиноз туманида сайлов участкаларининг жиҳозланиш даражаси талабга жавоб бермайди. Самарқанд вилоятининг Ургут туманида округ сайлов комиссияси авария ҳолатидаги бинога жойлаштирилган. Навоий ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудидаги баъзи сайлов участкалари сайловчиларга ноқулай жойларда ташкил этилган.

Сайлов тўғрисидаги қонунчиликда давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов кампаниясига аралашмаган ҳолда сайлов комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишлари учун ёрдам беришлари шарт экани белгилаб қўйилган. Аммо, юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, ҳамма жойда ҳам бу масалага талаб даражасида эътибор берилмаяпти. Йиғилишда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари мавжуд камчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Марказий сайлов комиссиясига фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалга ошириши борасида юзага келаётган муайян муаммоларни ҳал этишда кўмак сўралган мурожаатлари, айрим округ сайлов комиссиялари фаолияти юзасидан тушган шикоятлари ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Округ сайлов комиссиялари раисларига сиёсий партиялар, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари, депутатликка номзодлар, сайловчилар билан ишлашда қонун талабларига қатъий амал қилиш шартлиги яна бир бор уқтирилди. Оммавий ахборот воситалари вакилларига сайлов комиссияси фаолияти ҳақида мунтазам ахборот бериб бориш, уларни қабул қилинган қонуний қарорлардан хабардор этиш ва унинг мазмун-моҳиятини шарҳлаб-тушунтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Сайлов комиссиялари аъзоларининг навбатчилигини ташкил этиш, сайловчилар рўйхатини тузишга киришиш, овоз бериш кабиналарини тайёрлаш, сайлов қутиларини тарқатиш бўйича йўл-йўриқлар берилди.

ЎзА мухбири.

Фредерик Стар Ўзбекистонда

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Фазлиддин АРЗИЕВ).

4-5 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида "Сиёсий партиялар ва сайловлар: дунё тажрибаси ва Ўзбекистон қонунчилиги" мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтади. Унда иштирок этиш учун мамлакатимизга хориждан кўплаб халқаро ташкилотлар экспертлари, сайлов қонунчилиги бўйича мутахассислар ташриф буюрди.

Улар орасида Жон Ҳопкинс университети (АҚШ) ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти директори Фредерик Стар ҳам бор.

У мазкур халқаро тадбир доирасида Олий Мажлис ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтида учрашувлар ўтказди.

Олий Мажлисдаги сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари билан мулоқот чоғида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини шакллантириш билан бевосита боғлиқ эканлиги таъкидланди. Ўзбекистонда бўлажак сайловларга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Мамлакатимизда кўппартиявийликни ривожлантиришга қаратилган сайлов қонунчилиги амал қилмоқда. Бу қонунчилик халқаро ҳуқуқ ва меъёрларга тўла мос келади, хорижий демократик давлатларнинг илғор тажрибаси ва миллий сайлов амалиётига асосланган.

Учрашувда икки палатали парламентни шакллантириш усуллари, фракциялар фаолияти, қонунларни ишлаб чиқишдаги иштироки борасида атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтида ўтган учрашувда эса АҚШ парламентчилиги тажрибаси ҳамда юртимизда жорий этилажак икки палатали парламент тизимининг афзалликлари хусусида сўз юритилди. Меҳмон икки палатали парламентга ўтиш Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш борасидаги муҳим қадам эканини таъкидлади.

«Хотин-қизлар ва XXI асрдаги барқарор тараққиёт»

Маълумки, мамлакатимизда хотин-қизлар фаоллигини, уларнинг жамият ва давлат қурилишидаги ролини ошириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Президентимизнинг жорий йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарори фикримизнинг далилидир. Кеча пойтахтимизда иш бошлаган "Хотин-қизлар ва XXI асрдаги барқарор тараққиёт" деб номланган анжуманда ҳам ана шу ҳақда сўз юритилди.

Хотин- қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Росзарубежцентр" ваколатхонаси ва Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган Ўзбекистон-Россия Форумини ўтказишдан мақсад Россия Федерацияси хотин-қизлар уюшмалари билан дўстона муносабатларни ривожлантириш, ўзаро илмий ва ижтимоий тадқиқотларни амалга ошириш ва икки давлат тадбиркор аёлларини маълумот

Халқаро анжуман

ҳамда тажриба алмашиш учун кенг жалб этишдир. Форумда сўзга чиққан Республика Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова юқоридаги масалаларга алоҳида тўхталди. Шунингдек, анжуманда Россия Давлат Думаси депутати, Федерация ишлари ва минтақавий сиёсат қўмитаси аъзоси С. Смирнова бошчилигидаги ҳайъат аъзолари ҳам иштирок этишди. Форум иштирокчилари "Парламентнинг қонунчилик сиёсати, гендер тенглигининг халқаро аспектлари", "Фуқаролик жамиятида хотин-қизларнинг роли: халқаро ва миллий тажриба", "Иқтисодий барқарорликни таъминлашда аёлларнинг роли" сингари қатор маърузаларни тингладилар. Бугун якунланадиган анжуман сўнггида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Россия хотин-қизлар уюшмаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланиши кўзда тутилган.

Эртага россиялик меҳмонлар Самарқандда бўлиб ўтадиган "Сиёсий партиялар ва сайловлар: дунё тажрибаси ва Ўзбекистон қонунчилиги" мавзуидаги конференцияда иштирок этадилар.

Мавжуда ХОЛМАТОВА, "Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон спорт анжомлари

жаҳон андозаси даражасида

Болалар спортини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни фойдали спорт машғулотларига жалб этиш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Келажак ворисларининг соғлом вояга етишлари учун эса ҳукуматимиз томонидан етарли шарт-шароит яратилмоқда.

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"нинг кўргазмалар залида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан барпо этилган спорт иншоотларини спорт ускуналари ва анжомлари билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган "Ўзбекистон спорт саноати — болаларга-2004" мавзусида кўргазма бўлиб ўтди. Унда юртимиздаги 26 та спорт анжомлари ва кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар ўз маҳсулотлари билан иштирок этдилар.

— Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, болажонлар қалбида спортга иштиёқ уйғотишда амалий машғулотлардан ташқари, спорт кийимларининг ҳам аҳамияти беқиёс, — деди Хоразм вилоятидаги "Гурлан" акциядорлик жамияти вакили Учқун Йўлдошев. — Чунки эгнида чиройли, бежирим либоси бўлган болакай машқларни завқ-шавқ билан бажаради, ўз устида тинимсиз ишлайди. Шу боис эндиликда юртимизда мана шундай кийимлар тикиш ҳам анъанага айланаётир. Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган футбол, теннис, боксчилар кийимлари мамлакатимиз бозорларидан ташқари Бельгия, Россия каби давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

— Мен спортга ҳам, спорт кийимларига ҳам ниҳоятда қизиқаман, — дейди кўргазмага келган Шаҳло исмли қизча. — Бу ерда болалар спорт кийимлари кўргазмаси бўлишини эшитиб, ойим билан келдим. Ростини айтсам, мен "Адидас", "Нике" каби дунёга машҳур спорт кийимларига ҳавас қилардим, мана бу кийимлар эса ўзининг чиройлилиги ва пишиқлиги билан хориж спорт кийимларидан асло қолишмайди.

"Ўзэкспомарказ"да 4 ноябрга қадар намойиш этиладиган спорт жиҳозлари ва кийимлари кўргазмасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазири Р. Қосимов иштирок этди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

26 декабрь

Халқ. Демократия. Сайловлар

Эл ишончи — олий қадрият

Айни пайтда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари сиёсий жараённи демократик тамойиллар асосида ўтказишга катта тайёргарлик кўрмоқдалар. Жумладан, 127,6 минг сайловчини бирлаштирган 79-Чиноз сайлов округи комиссиясида шу кунларда иш қизигандан-қизиган. Аввало, мазкур комиссиянинг кенг фаолият юритиши учун бино ва бошқа жиҳозлар билан таъминланганлигини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Чунки шароит қанчалик етарли бўлса, ҳар қандай иш шунчалик енгил кечади. Айниқса, сайлов участкалари тузиш, сайловчилар рўйхатини олиш, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан келаётган ариза ва имзоларни текшириш бошланган айни кунларда бу жудажуда сезилади.

Яна бир гап. Округ сайлов комиссияси булар билан чекланиб қолаётгани йўқ. Яъни, комиссия аъзолари ташриф буюраётган сайловчиларнинг сайловга оид етарли тушунча олишига ҳам кўмак беришаяпти. Айтиш мумкинки, бу саъй-ҳаракатларни фақат бир мақсад бирлаштиради - у ҳам бўлса, юрт келажагини белгиловчи сайловларда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш.

СУРАТДА: (чапдан иккинчи) округ сайлов комиссияси раиси Мазбут Маҳкамов, аъзолар Гулчеҳра Аҳмадалиева, Орзиқул Маъмуров, Шоира Зоҳидовалар билан навбатдаги масалани муҳокама қилишаяпти.

Даврон АҲМАД олган сурат.

МУСТАҚИЛ НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ — ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЯНА БИР НАМОЙИШИ

Ҳозирги замон сайловчиси истиқлолга қадар бўлган, ҳатто беш-ўн йил бурунги сайловчидан ҳам жиддий фарқ қилади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислоҳотлар натижасида унинг сиёсий фаоллиги изчил ортмоқда. Бугун у чинакамига танлаш ҳуқуқини амалга ошириш имкониятига эга.

Мамлакатимизда 1999 йилда ўтган сайловлардан эътиборан сайловчилар нафақат сиёсий партиялар кўрсатган, айни вақтда фуқаролар томонидан кўрсатилган мустақил номзодларга ҳам овоз бериши мумкинлигидан иборат янгиликнинг пайдо бўлиш сабаблари, мазмун ва моҳияти нимада?

Нодавлат нотижорат ташкилот — Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари Акмал САИДОВ билан суҳбатимиз айни шу саволдан бошланди.

— "Сайлов" сўзининг замирида, аслида, муқобилликка ишора мужассам, - дейди А.Саидов. - Шу маънода, юртимизда сайловчилар учун партия номзодларига муқобил номзодлар кўрсатиш ҳамда сайлаш имконияти яратилгани айни муддао бўлди. Бу истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда сайловларнинг эркин ва демократик усуллар билан ташкил этилаётганининг мевасидир.

Ҳақиқий демократиянинг амалдаги намоёни бўлмиш ушбу янгилик халқаро сайлов ҳуқуқи андозаларига ва умуминсоний демократик қадриятларга тўла мос келади. Бу усул Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан эркин ва демократик сайловларга қўйиладиган халқаро талабларга тўла жавоб беради. Демократиянинг миллий институти - маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими анъаналарига ҳамоҳангдир.

Мустақил номзодларнинг кучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги аҳамияти айниқса катта. Бундай номзодларни кўрсатадиган ва сайлайдиган сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари тизими эса жаҳон сайлов тажрибасида ибратли, халқ оммаси вакилларини парламентга кўпроқ жалб этиш, давлатни бевосита бошқаришда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш жабҳасида Ўзбекистонда ўзига хос халқчил демократиянинг чуқурлашиб бораётганини кўрсатувчи кўзгудир.

— Шу ўринда депутатликка бевосита фуқаролар томонидан номзодлар кўрсатиш тартиби ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Сайлов ҳуқуқига эга ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Олий Мажлис ёки маҳаллий вакиллик органларига сайловчилар ташаббускор гуруҳи орқали депутатликка ўз номзодларини кўрсатишлари мумкин. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида уч юз нафар, маҳаллий вакиллик органлари учун эса юз нафар сайловчидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳи тузилиши керак.

Сўнгра сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади.

Бунинг учун сайловчилар ташаббускор гуруҳи аризасига, биринчидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш жойи манзили, паспортининг серияси ва тартиб рақами кўрсатилган рўйхат, иккинчидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг ваколатли вакил тайинлаш тўғрисидаги қарори ҳамда қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишонч қоғози илова қилинади. Шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори ва баённомаси тақдим этилади. Унда номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими ёки машғулотининг тури, иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилган бўлиши керак.

Округ сайлов комиссияси сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг сайлов қонунлари талабларига мувофиқлигини аниқлаб, ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олиш тўғрисида ёки рўйхатга олишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади. Шундан сўнг гуруҳнинг ваколатли вакилига тегишли рўйхатга олинганлик гувоҳномаси ҳамда имзо варақаларининг белгиланган намунадаги бланкаларни беради.

Модомики, округ сайлов комиссияси сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олишни рад этса, бу ҳақда тегишли тартибда асослантирилган жавоб қайтариши лозим.

Дарвоқе, сайловчилар ташаббускор гуруҳи ўзининг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилганидан кейингина депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли бўлади. Бу санага қадар тўпланган имзолар ҳисобга олинмайди.

Имзо тўплашнинг ҳам қонунда кўзда тутилган қатъий қоидалари мавжуд.

— Сайлов жараёнининг тенг ҳуқуқли субъектлари ҳисобланувчи мустақил номзодларга хос жиҳатлар, сизнингча, нималарда кўринади?

— Аввало, вакиллик органларига номзод кўрсатишнинг ушбу усули тамомила ўзига хос, ноёб демократик институт бўлиб, юқорида айтганимдек, мустақил номзодлар бевосита фуқаролар томонидан кўрсатилади. Улар, одатда, кенг жамоатчиликка яхши таниш, халқ ичидан чиққан ва элга яқин ҳамюртларимиз бўлади.

Мамлакатимиз аҳолисининг аксарияти сиёсий партияларга аъзо эмаслиги ўзингизга аён. Мустақиллик берган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда нодавлат нотижорат ташкилотлар тузиб, маърифат, маънавият, илм-фан, яратувчилик билан банд юртдошларимизнинг ҳам катта қисми партиясиздир. Демоқчиманки, ҳозирги шароитда юртимизда партиялар фаолиятига жалб этилмаган кишилар кўпчиликни ташкил этади. Шу билан бирга, улар сиёсий фаолиятдан - давлат бошқарувида иштирок этишдан четда қолишлари мумкин эмас.

Бир сўз билан айтганда, ҳокимиятга даъвогар партиялардан ташқари, жамиятнинг бошқа қатламлари ҳам давлат бошқарувида бевосита иштирок этиши адолатли ҳаракатдир. 1999 йилда ўтган сайловдан буён фуқаролар ўзларининг маҳаллалари, мавзелари ва туманларидаги таниқли, обрў-эътиборли ва ишончли кишиларни ўз ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун депутатликка номзод сифатида кўрсатиш имконига эга бўлдилар.

Мустақил номзодларнинг ижтимоий негизи — кенг халқ оммасидир. Номзодларни халқ тўғридан-тўғри саралайди, танлайди, сайлайди. Ўз галида, улар ҳам бевосита халққа таянади, халқ манфаатларини ҳимоя қилади.

Бошқача айтганда, мустақил номзодлар халқ ишончига таянадилар, элнинг оқ фотиҳасини олиб майдонга чиқадилар. Халқ ишончи эса, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, олий масъулиятдир.

— Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш марказининг фаолияти ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Марказ ўтган галги сайловлар даврида тузилганди. Жаҳон сайлов амалиётида янгилик ҳисобланувчи ушбу Марказ йигирмадан ортиқ таъсисчилар, жумладан, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари вакиллари, мустақил номзодлар, маҳалла оқсоқоллари ва бир қатор ноҳукумат ташкилотлар ташаббуси билан юзага келди.

Марказга унинг мақсадларини қўллаб-қувватловчи барча ташкилотлар, мустақил номзодлар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи вакиллари жамоа шаклида ва алоҳида тарзда аъзо бўлишлари мумкин. Марказнинг бўлимлари барча вилоятларда фаолият кўрсатмоқда.

Марказ мустақил номзодларга сайловчилар ташаббускор гуруҳларини тузишда ва уларнинг сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинишида кўмаклашади. Сайловларда мустақил номзодларнинг умумий рўйхатини тузади, уларга сайловолди кампаниясини ўтказишда, хусусан, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш учун имзо тўплашида, учрашувлар ва ташвиқот ишларини олиб боришида ёрдам беради. Мустақил номзодларнинг кузатувчиларини тайинлашда кўмаклашади.

Бундан ташқари, мустақил номзодларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ уларнинг сайлов ҳуқуқлари, ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш воситалари ва усуллари тўғрисида тавсиялар беради. Мустақил номзодларнинг сайлов ҳуқуқлари бузилса, уларнинг ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашади ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Шунингдек, фуқаролар, давлат ва жамоат ташкилотлари, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакилларига сайловларда иштирок этаётган мустақил номзодлар тўғрисида мунтазам маълумотлар бериб боради.

ЎзА мухбири Ғулом МИРЗО суҳбатлашди.

Таълим ёғдулари порлаган замин

Денов — мамлакатимизнинг ишлаб чиқариши тараққий топган, одамлари меҳнаткаш, тадбиркор, моҳир кадрлари кун сайин кўпайиб бораётган туманларидан биридир. Айни пайтда Деновни республикамизда довруқли қилган яна бир, жуда муҳим омил ҳам бор. Туманда ёш авлод таълим-тарбияси иши ниҳоятда эъзозда, туман ёшларининг илм-маърифатга, маънавий камолотга, ўқиш-ўрганишга интилиши ҳавас қиларли даражада.

Туман азал-азалдан Аллоҳ назар қилган заминлардан биридир. Бу ерда Дақиқий, Устурлобий, Фаррухий каби буюк шоирлар ва алломалар дунёга келган. Унинг тупроғида нақшбандия тариқатининг Алоуддин Аттор Валий, Сўфи Оллоёр ва Муҳаммад Зоҳид каби энг улуғ шайхлари абадий қўним топган. Шундай буюк сиймолар руҳи Денов тумани аҳлини, назаримизда, ҳамиша қўллаб-қувватлаб келяпти. Деновнинг ҳозирги ёшлари мана шундай буюк зотларга ватандош ҳамда уларга маънавий ворис эканликларидан фахрланадилар.

Шу билан бирга, Деновдаги таълим-тарбия соҳасидаги ютуқларнинг илдизини фақат тарихдан излаш масалага бир ёқлама ёндошув бўлур эди. Ҳа, бугун бу ерда таълим-тарбия иши замоннинг энг илғор талаблари даражасида ривожланмоқда ва бу ютуқларнинг боисини туманда соҳага ҳар тарафлама катта эътибор кўрсатилаётганлигидан излаш кўп жиҳатдан тўғри бўлади.

Мен аслида шу туманинг фарзандиман. Ўтган асрнинг 50-йилларида шу ерда 24-ўрта мактабни тамомладим. Эсимда, деворлари пахсадан, томлари пасткам, омонатгина бу мактабда урушдан кейинги йилларда ўқитувчилар ҳам етишмас эди. Шу сабабдан, мактаб директоримиз Сафар ака Қулматовнинг тавсияси билан мен, 10-синф ўқувчиси, 4-8 синфларда математика фанидан дарс берганман... Орадан ярим аср ўтгач, 2000 йилда қадрдон мактабимга келиб, бу ерда ҳаёт нақадар ўзгарганлигини ўз кўзим билан кўрдим: кўз ўнгимда замонавий ҳашаматли мактаб, бугун бу даргоҳда 138 нафар олий маълумотли ўқитувчи ишламоқда. Уларнинг 16 нафари олий тоифали, 58 нафари биринчи тоифали ўқитувчилар. Мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Абдусалом Алимардонов 2001-2003 йилларда мунтазам халқаро АКСЕЛС танлови ғолиби бўлиб келипти. У аввал компьютер-синф, кейин ксерокс, ўтган йили шахсий компьютер ютибди. Уларнинг ҳаммасини жонажон мактабига совға қилибди. Ўқитувчилардан яна бири олис Америкада малака оширмоқда. У ўз мактабидаги ўқувчилар билан ҳар куни Интернет орқали гаплашиб турибди экан. Ўқувчиларнинг компьютерда эркин ишлашаётгани ва Интернетга уланиб Америка ўқувчилари билан гаплашаётгани мени ниҳоятда хушнуд этди ва ичимдан ҳамқишлоқ ёшларга тан бердим.

Эътироф



Деновдаги 24-мактаб битирувчиларининг ўзидан 10 нафари илм-фаннинг турли йўналишларида фан докторлари, 20 нафаридан ошиқроғи фан номзодларидир.

Ҳозирги кунда Деновдаги атиги битта шу 24-мактаб битирувчиларининг ўзидан 10 нафари илм-фаннинг турли йўналишларида фан докторлари, 20 нафаридан ошиқроғи фан номзодларидир. Бундан қувонмай бўладими?! 2004 ўқув йилида шу мактабнинг яна 34 нафар ўқувчилари олий ўқув юртларига кирибди. Улардан 27 нафари давлат гранти асосида ўқимоқда.

Биз атиги битта мактаб тўғрисида гапирдик. Деновда туман ҳокимлиги, таълимнинг бошқа фидойилари ўрта умумтаълим мактабларидаги аҳволни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия фаолиятини энг юқори даражаларда ташкил этишни ўз фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айлантирган. Бу ерда ҳар бир мактабнинг аниқ ҳомий ташкилотлари бор. Мактабларни янгилаш ёки капитал таъмирлаш ҳамда уларни ўқув қуроллари билан таъминлашда ҳомийлар ёрдами беқиёсдир.

Жорий ўқув йилида туманда бира-тўласига 5 та мактаб қурилиб ишга туширилди. Бу — ҳазилакам иш эмас. Улар мактабмисан-мактаб! Кўрган кўз яйрайди. Бу — мустақиллигимиз шарофати, албатта. Бу — Президентимиз ташаббуси билан мактаб тизимида бошланган ислоҳотларнинг чиройли натижалари.

Денов туманида халқ таълими соҳасида оммалаштиришга арзийдиган тажрибалар тўпланган. Вилоятдаги бошқа мактабларнинг вакиллари бу туманга тажриба орттиргани тез-тез келиб туришибди. Ҳатто республика миқёсида ҳам деновлик педагогларнинг тажрибаси асқотмоқда. Жумладан, 2004 йил сентябрь ойида Халқ таълими вазирлигининг кўчма ҳайъати Деновда ўтказилди. Бу туманда дарсликлардан ижара усулида фойдаланиш, мактабларни янгича жиҳозлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида деновликлар тажрибаларини республикада ёйишга қарор қилинди. Бутун республикадан келган ўқитувчилар бу ердаги ибратли ишларга тан бердилар.

— Қисқа 2 йил ичида туманимиз ҳокимлиги ёрдамида 20 дан ортиқ мактабларда компьютер синфлари ташкил этилди, — дейди биз билан суҳбатда туман халқ таълими бўлими мудири Мамаюсуф Сапиев. — Яқин орада туманимизда компьютерлаштирилмаган бирорта ҳам мактаб қолмайди.

Ҳа, туман раҳбарияти маънавиятга, маърифатга жиддий эътибор қаратмоқда. Ютуқлар эса шу эътибор самарасидир. Бу соҳаларга эътибор кучли жойда биронта ҳам ғаламислик бўлмайди. Ҳаёт тоза асосларда ривожланаверади. Деновдаги ҳаёт буни тасдиқлайди.

Назар ТЎРАЕВ, академик.



Ўрмонларни келажак учун асрайлик

Бўстонлиқ туманидаги "Бурчмулла" ўрмон хўжалиги республикамиздаги йирик, кенг майдонли хўжаликлардан биридир. Қарийб 350 минг гектарли мазкур ўрмон хўжалиги юз йиллик тарихга эга. Бу ерда 600 нафар ўрмончинозир гўзал табиатни, ўрмонни келажак авлод учун асраш ҳамда қўриқлаш билан шуғулланади.

СУРАТЛАРДА: ўрмон хўжалигининг сўлим манзараси ҳамда нозирлар Қаергали Давулбоев ва Кенесбек Бердиқулов иш пайтида.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

ОМОНАТЛАРНИ

Мамлакатимиз иқтисодиётида банк тизими муҳим ўрин эгаллайди: у тўловларни амалга ошириш, депозитлар қабул қилиш, депозит қўювчилар ва қарз олувчилар ўртасида муҳим воситачи сифатида қатнашади, давлатнинг пул-кредит сиёсати ижросини таъминлашда агентлик вазифасини бажаради.

Республикамизда банк тизими фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш ва аҳолининг унга бўлган ишончини ошириш мақсадида бир қатор қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинган. "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида", "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида", "Банк сири тўғрисида"ги қонунлар шулар сирасига киради.

Ушбу қонунлар банк фаолиятининг барқарорлигини таъминлаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 декабрдаги "Аҳолининг давлат суғуртасидаги ва омонатлардаги пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида"ги Фармонига биноан, 1992 йил 1 январь ҳолатига кўра, аҳолининг банклардаги омонатларини индексация қилиш ва тўлаб бериш, республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга ва банк тизимига бўлган ишончни янада оширди.

Аммо, тажрибадан маълумки, XX асрда Ғарб давлатларида ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечираётган Ҳамдўстлик мамлакатларида бўлиб ўтган инқирозлар иқтисодиёт занжирининг узлуксиз ҳалқаларидан бири бўлган банк тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Натижада ўнлаб банклар тўлов қобилиятини йўқотиб, қонун томонидан ҳимояланмаган аҳоли ўз омонатларидан маҳрум бўлди ва банкларга бўлган ишонч йўқолди.

Банкларнинг тўлов қобилиятини йўқотиши, иқтисодиётга зарар етказиш ва омонат эгаларининг омонатларидан маҳрум бўлишининг олдини олиш мақсадида мамлакатлар молиявий хавфсизликни таъминловчи тизимни шакллантиради. Бу тизим банклар фаолиятини тартибга солиш, назорат қилиш ва омонатларни кафолатлашни ўз ичига қамраб олади.

Қўпгина мамлакатлар сингари республикамизда ҳам банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш вазифаси Марказий банкка юклатилган. Марказий банк тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни, уларни рўйхатга олиш давридан бошлаб банк бошқарувчиларининг касбга лаёқатлилиги, капиталининг етарлилиги, банк фаолиятини акциядорлар томонидан назорат қила олиш имкони борлиги, кучли ички назоратни ва ташқи аудитнинг мавжудлиги каби қатъий талаблар орқали ва фаолияти давомида қонун ва норматив ҳужжатларга амал қилиш, амалга оширилаётган операцияларнинг хатарини баҳолаш ва белгиланган нормативларга риоя қилинишини мониторинг орқали рўёбга чиқаради.

Марказий банк томонидан бундай назоратнинг ўрнатилиши натижасида республикамизда банкларнинг тўлов қобилиятини йўқотишининг олди олинмоқда.

Кафолатлаш тизими эса алоҳида бўлиб, Марказий банк билан узвий ҳамкорликда фаолият юритади. Бу тизимнинг асосий мақсади банкни тўлов қобилиятини йўқотишдан ҳимоя қилиш эмас, балки аҳолини банклардаги омонатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Омонатчиларнинг банкдаги омонатларини кафолатлаш тизими тажрибада кенг қўлланиб келинади. Кафолатлаш, банк тўлов қобилиятини йўқотган тақдирда, омонатларни ҳимоялашга қаратилган комплекс чора-тадбирлардан иборат бўлиб, бундай ҳимоялашнинг моҳияти махсус ташкилот (фонд) омонатчилар олдида ўз зиммасига уларнинг банклардаги маблағларини банк тўлов қобилиятини йўқотганда алоҳида кафолатлаш фонд маблағи ҳисобига тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Ташкилий тарафдан мукаммал ва тушунарли кафолатлаш тизими миллий молия тизим барқарорлигига таъсир этиб, омонатчиларнинг банклардаги кафолатланган омонатларини уларга бўлган ишончсизлик сабабли муддатидан аввал қайтариб олишнинг олдини олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил апрель ойида бўлиб ўтган саккизинчи сессиясида "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиши туфайли республикамизда кафолатлаш тизимини ташкил этишга ҳуқуқий асос солинди. Ушбу қонуннинг ижросини таъминлаш ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 сентябрдаги 326-сонли қарорига мувофиқ эса республикамизда фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди тузилди.

Республикамизда ушбу қонуннинг қабул қилиниши ва Кафолатлаш фондини ташкил этишдан асосий мақсад, биринчидан, аҳолини республика банкларидаги омонатларини ҳимоя қилиш, иккинчидан молия-банк тизимининг барқарорлигини ва аҳолининг уларга бўлган ишончини таъминлашдан иборат.

Аҳолининг кафолатлаш тизимига бўлган ишончини сақлаб туришда унинг ташкилий жиҳатдан тўғри ва тушунарли ташкил этилганлиги, етарли даражада молиявий ресурсларга эга бўлиши, кафолатлаш ҳажми, кафолатланувчи омонатларнинг кенг қўламлилиги, омонатларни тўлаб бериш тезлиги каби омиллар ва уларни кенг омма эътиборига етказилганлиги катта таъсир кўрсатади.

Ушбу омилларни республика фонди фаолияти мисолида кўрадиган бўлсак, "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда банклар фонд билан ёзма битим тузиши ва унга аъзо бўлиши шарт қилиб белгиланган.

Банк фонд билан ёзма битим тузиш учун фуқароларнинг банкдаги кафолатланиши лозим бўлган омонатларининг сони ва қолдиқлари миқдори тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хулосасини илова қилган ҳолда фоднинг кузатув кенгашига мурожаат қилади. Фонд кафолатномаси банк билан ёзма битим тузилган кундан бошлаб кучга киради.

Икки йиллик фаолият давомида фондга Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки,«Саноатқурилишбанк»,«Асакабанк», «Пахтабанк», «Уйжойжамғармабанк» каби йирик банклар қаторида« Бизнес-

Ҳаракатда баракат



"Яхши яшайман деган одам ҳаракат қилади, ҳаракат қилган одам эса ёмон яшамайди". Тўрақўрғон туманидаги "Улуғбеклар" деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Маҳмуджон Қодиров ана шундай фикрлайди. Фермер ва унинг қабатидагилар 109 бош қорамол парваришлаётир. Уларнинг асосий қисмини соғин сигирлар ташкил этади. Фермер тасарруфидаги 28 гектар бошоқли доннинг ҳар гектаридан 70 центнердан ҳосил кўтарди. 24 гектардаги пахтадан ҳам мўл ҳосил олинди. Айни пайтда хўжалик деҳқонлари гектарлар ҳосилдорлигини 45 центнерга етказиш ҳаракатида.

СУРАТДА: фермер Маҳмуджон Қодиров.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Болажон юртимдан ўргилай!

— Дунё меҳр устунлари устига қурилган... Дунёга заррин нурларини таратаётган қуёш нурлари ҳам меҳр тимсолидир, — дейди янгиқўрғонлик Бурузвон ая Каримова

— Ўзбек халқи ҳамиша болажонлиги, оқибатлилиги билан ажралиб туради. Мана шу неварам 12 ёшда. Болагинам шу ёшгача роса қийналди. Ҳар қанча даволатмайлик, ўзгариш бўлмади. Тошкентда жарроҳлик йўли билан тўғрилаш мумкинлигини шифокорлар айтиб, йўлланма беришди. Анчагина пул керак бўлди. Неварамни етаклаб, туман ҳокими қабулига келдим. Ёрдамчиси Комилжонга (фамилияси эсимдан чиқди) вазиятни тушунтирдим. У бизни туман ҳокими Иброҳимжон Мамажонов ҳузурига олиб кирди. Ҳоким сўзларимни тинглагач, ёрдамчисига беш-олтита ташкилот раҳбарини топишни буюрди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай улар етиб келишди.

— Оғайнилар, мана шу болажон эртага катта йигит бўлиб етишади, — деди ҳоким уларга. — Лекин мурғаклигидан азоб бераётган дард туфайли, бугун бизнинг ёрдамимизга муҳтож, асраб қолишимиз керак. Имконият борича ёрдам қилайлик.

Бирпасда қўлимга беш юз минг сўмни санаб беришди. Ораларидаги кексароқ киши — Ҳожи ака, дуо қилиб, оқ йўл тилади. Оллоҳнинг раҳми келдими, Ҳожи отанинг дуосию, ҳокимимизнинг ёрдамлари туфайлими, неварамни Тошкентда даволаб беришди. Ҳеч бир инсоннинг бошига дард солмасин. Бугун неварам билан ҳокимга раҳмат айтгани келган эдик.

Меҳр ва мурувват йилида туманда олиб борилаётган ишлар билан танишиш учун маҳаллалар сари йўл олар эканман, ҳамон онахоннинг юзкўзидаги севинчлар хаёлимдан кетмасди. Бирлашган қишлоқ фуқаролар йиғинига келганимда котиба раис Ғайбулло

Савоб кунда керак

Эгамназаров хонадонига кетганлигини айтгач, мени ҳам у ерга олиб боришларини сўрадим.

— Маҳмуджон — 36, Мухторжон — 27 ёшда, — дея сўз бошлади ҚФЙ раиси Иномжон Мақсудов. — Иккаласи ҳам ота-оналарининг қариндошлиги туфайли ногирон бўлиб туғилган. Мухторжонга ногиронлик аравачаси совға қилдик.

Ғайбулло отанинг кўзларидаги ўкинч ва армон ёшлари билан миннатдорчилик билдираётганини кўриб, қай аҳволга тушганимни билмайман. Қани энди, дунё чархпалаги шундай айланса-ю, ногирон деган сўз ишлатилмаса. Афсуски, бу менинг истагим эди, холос. У ердан қайтар эканмиз, раис велосипедда кетаётган йигитни тўхтатиб, ҳол-аҳвол сўради. Сохибжон Хўжанов мактабда хўжалик мудири бўлиб ишлар, анча-мунча ташвишларни бошидан кечирган экан.

— Беш нафар фарзандим бор, кенжатойим — беш ёшли Нодира оғир хасталикка учраганлиги, — дейди у. Миясида ўсма бор дейишди. Иложи борича Тошкентга, профессор М. Ҳакимов ва Қориевларга олиб бориб, кўрсатишимни айтишди. Олиб бордим. Сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз, дейишди. Қизимни касалхонада қолдириб, уйга қайтдим.

Пул йўқ, нима қилишимни билмайман, ўртоқларим, қариндош-уруғлар — ҳаммасига бир-бир сарғайдим... Ва ниҳоят ҳокимликка келдим. Ҳокимга дардимни айтдим. У киши менга тасалли берди: «Йигит киши йиғламайди, ҳаммасини ҳал қиламиз. Эртага эрталаб соат олтида келинг». Эртасига борсам, уч юз олтмиш минг сўмни тахт қилиб қўйган экан. Қизим операция бўлди, хайриятки бахтимизга ижобий кўрсаткич экан. Мана, ҳозир чопқиллаб юрибди. Қизим туфайли халқимизда меҳр-оқибат борлигини яна бир бор кўрдим. Аввало, Юртбошимиз омон бўлсин, раҳбарликка халқ ғамини ейдиган, фидойи инсонларни танлашлари биз фуқароларни қувонтиради.

Дарҳақиқат, миллатимизга хос бўлган меҳрибонлик, имкони бўлса, ҳожатбарорлик оғирни енгил, мушкулни осон қилади, инсонларни бир-бирига янада яқинлаштириб, уларнинг ҳаётини чароғон айлайверади.

Гулсара МАРДОНОВА.

КАФОЛАТЛАШ ТИЗИМИ

Унинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

банк», «Капиталбанк»,«Парвинабанк»,«Ипак йўли» банки, «Алп Жамол» банки каби республикамизда фаолият кўрсатаётган барча 31 та тижорат банки билан ёзма битимлар имзоланиб, фонд реестрига киритилди ва улардаги фуқароларнинг омонатлари қонунга мувофиқ фонд томонидан кафолатланаётир.

Фонднинг молиявий манбалари, банкларнинг устав фонди жамғармасидан 0,1 фоизда тўланадиган бирйўла бадал ва ҳар чоракда омонатларнинг ўртача қолдиғидан 0,5 фоиз миқдорида тўлаб бориладиган мажбурий бадал ҳамда ушбу маблағларни инвестиция қилиш натижасида олинган даромад ҳисобига шакланиб боради.

Ҳозирда фондга банклар томонидан ўтказилган маблағлар ҳажми 6319 млн. сўмни, инвестиция ҳажми эса 6564 млн. сўмни ташкил этади.

Қонунда, шунингдек бирон-бир банк тўлов қобилиятини йўқотганда, омонатчиларнинг кафолатланган омонатларини қайтаришда маблағи етмаган тақдирда фондга Молия вазирлиги томонидан фоизсиз кредит ажратилиши назарда тутилган. Ушбу шарт фонднинг маблағлар билан етарли даражада таъминланганлигини ва бирон-бир банк тўлов қобилиятини йўқотганда ундаги фуқароларнинг омонатларини тўлиқ қайтара олишлигини билдиради.

Омонатларни кафолатлаш ҳажмига келсак, банк тўлов қобилиятини йўқотганда, омонатчи республикада ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдоридаги омонати 100 фоиз миқдорида Фонд маблағи ҳисобидан тўлаб берилади. Омонат ҳажми энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 100 баробаридан ортиқ қисмининг 90 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг 250 баробаридан ошмаган миқдорида тўлаб берилади.

Кафолатланган омонатлар ҳажмини республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақига боғланганлиги шуни билдирадики, кафолатлаш ҳажми мутлоқ эмас, балки республикада энг кам ойлик иш ҳақи ўсиши билан кафолатлаш ҳажми ҳам ортиб боради.

Агар 2002 йил 1 январь ҳолатига кўра, энг кам ойлик иш ҳақи 3430 сўмни ва тўлаб бериш ҳажми 857500 сўмни ташкил этган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 1 июлдаги "2004 йил 1 августдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, республикамизда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини 6530 сўм қилиб белгиланиши муносабати билан ушбу сумма 1632500 сўмни ташкил қилди ёки икки йил оралиғида кафолатланадиган омонатларни тўлаб бериш ҳажми 1,9 баробар кўпайди.

Кафолатланадиган омонатларнинг турига келсак, фуқароларнинг банклардаги қонунда тақиқланмаган омонатларидан ташқари, миллий ва хорижий валютадаги, эгасининг номи ёзилган, талаб қилиб олингунга қадар ва муддатли омонатларнинг барчаси, шу жумладан, пластик карточкаларда сақланаётган омонатлар фонд томонидан кафолатланган.

Республикамизда омонатларни кафолатлашнинг ҳуқуқий ва сиёсий асосларининг мавжудлиги, фонд ташкил этилиши ўз навбатида аҳолининг банкларга бўлган ишончининг ортишига олиб келди. Натижада аҳолининг республика банклардаги омонатлари кескин тарзда ошиб, уларнинг ҳажми, 2004 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, 298 млрд. сўмни ташкил этди ёки 2003 йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар кўпайди.

Тўлов қобилиятини йўқотган банк бўйича омонатларни тўлаш тартиби банкнинг тугатиш комиссияси томонидан унинг мол-мулки таркиби тўғрисидаги маълумот, кредиторлар томонидан тақдим этилган талаблар рўйхати, фуқароларнинг омонатларининг миқдорини тасдиқловчи маълумот, фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлаш учун зарур бўладиган пул маблағлари ҳисоби ва оралиқ тугатиш балансини фондга тақдим этган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида фонд томонидан фуқароларнинг банкдаги омонатлари бўйича ҳақ тўлаш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги хабар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Фуқароларнинг банкдаги омонатлари бўйича ҳақ тўлашни фонд оммавий ахборот воситаларида хабар эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида бошлаши шарт. Ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг розилиги билан фонд белгилайдиган банк (агент банк) томонидан амалга оширилади. Омонатчилар агент банкка ўз омонатлари бўйича маблағларини олиш учун омонати борлиги ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади.

"Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондининг ташкил этилиши ва тижорат банкларидаги аҳолининг омонатларини кафолатлаш билан республикамизда фуқароларнинг мулкка бўлган муносабатлари ҳимоя қилинди ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш янада кучайди.

Омонатларнинг кафолатланиши банкларга маблағларни жалб қилишни рағбатлантириб, бу билан инвестицион ресурсларнинг кўпайишига, шунингдек,нақд пул оборотини қамайтириб, инфляция даражасининг пасайишига, миллий валютамиз— «сўм»нинг хорижий валюталарга нисбатан барқарорлигини таъминлашга таъсир кўрсатмоқда.

Омонатларни кафолатлаш тизими аҳолининг банкларга бўлган ишончини орттириб, барқарор иқтисодиётнинг асосий омилидан бири бўлган молия-банк тизимини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшиб келмоқда.

Н.АББОСОВ, фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди директори ўринбосари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2004 йил учун аспирантура ва докторантуранинг вакант ўринларига танлов эълон қилади:

АСПИРАНТУРА

08.00.01 — Иқтисодий назария
08.00.05 — Менежмент
08.00.13 — Маркетинг
12.00.02 — Давлат ҳуқуқи ва бошқарув; маъмурий ҳуқуқ; молиявий ҳуқуқ
23.00.02 — Сиёсий институтлар ва жараёнлар

ДОКТОРАНТУРА

12.00.02 — Давлат ҳуқуқи ва бошқарув; маъмурий ҳуқуқ; молиявий ҳуқуқ
23.00.02 — Сиёсий институтлар ва жараёнлар

Ҳужжатлар 2004 йил 1 декабргача қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон: 132-60-65.
Манзил: Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-уй.

1001251/2423

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан

«ХАЛҚ БАНКИ»

жисмоний ва юридик шахсларга

«Свифт»

халқаро тўлов тизими орқали уларнинг маблағларини жаҳоннинг исталган нуқтасига зудлик билан етказиб бериш ва қабул қилиб олиш хизматини таклиф этади.

Пул ўтказмаларингизни «Халқ банки»нинг барча филиалларида амалга оширишингиз мумкин.

Қўшимча равишда банкнинг «ишонч телефони» эътиборингизга ҳавола этилади: 173-89-44, 45-35-43.

Халқ банки — сизнинг силангиз банки!

1000549/1889

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

САНЪАТШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича аспирантура ва докторантурага қабул эълон қилади.

АСПИРАНТУРА

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун

17.00.01 — Театр санъати (кундузи бўлим)
17.00.02 — Мусиқа санъати (кундузги бўлим)
17.00.04 — Тасвирий ва амалий безак санъати (кундузги бўлим)
18.00.01 — Меъморлик назарияси ва тарихи, меъморлик ёдгорликлари таъмири (кундузги бўлим)

ДОКТОРАНТУРА

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун

17.00.01 — Театр санъати
17.00.02 — Мусиқа санъати
17.00.04 — Тасвирий ва амалий безак санъати

Ҳужжатлар шу йилнинг 25 ноябригача қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар: 139-46-67, 139-46-77.
Манзил: 700029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй.

1000869/2426

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ТОШКЕНТ ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТЕХНИК БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги бўш лавозимларга танлов эълон қилади.

Профессорлар: умумий психология (1), радиофизика (1), математика (1), Ўзбекистон тарихи (1), инглиз тили (1), ўзбек тили ва адабиёти (1), ҳуқуқшунослик (1), информацион технологиялар (1).

Доцентлар: педагогика (1), философия (1), ҳуқуқшунослик (1), радиотехника (1), математика (1), физика ва физика фанини ўқитиш методикаси (1), инглиз тили (1), немис тили (1).

Ўқитувчилар: психология (1), информатика (1), телекоммуникациялар (1), миллий истиқлол ғояси (1), Ўзбекистонда янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти (1), иқтисодиёт назарияси (1).

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- билим юрти бошлиғи номига ариза;
- ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- олий маълумотлилиги, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвони ҳақидаги аттестат нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати.

Танлов муддати — эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кун.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чорсу қўрғони, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тошкент олий ҳарбий техник билим юрти, ўқув бўлими. Телефонлар: 46-60-36, 46-81-62, 46-87-30.

1001180/2418

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

2005 йил манзил рўйхатига киритилиши режалаштирилган қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

1. Андижон шаҳридаги 600 ўқувчи ўрнига мўлжалланган касб-ҳунар коллежи қурилиши.
2. Жололқудуқ тумани Ёрқишлоқ қишлоғидаги 900 ўқувчи ўрнига мўлжалланган ҚҲК қурилиши.
3. Шаҳрихон тумани Сегазакум қишлоғидаги 750 ўқувчи ўрнига мўлжалланган ҚҲК қурилиши.
4. Олтинкўл тумани Тожик қишлоғидаги 750 ўқувчи ўрнига мўлжалланган ҚҲК қурилиши.
5. Андижон шаҳридаги қурилиши туғалланмаган бинони 600 ўқувчи ўрнига мўлжалланган касб-ҳунур коллежига қайта таъмирлаш.
6. Асака шаҳридаги техника-иқтисодиёт коллежини 600 ўқувчи ўрнига мўлжалланган иқтисодиёт касб-ҳунур коллежига қайта таъмирлаш.
7. Жололқудуқ туманидаги 150 ўқувчи ўринли агросаноат касб-ҳунар коллежини қайта таъмирлаш (II-навбати).
8. Қўрғонтепа туманидаги 150 ўқувчи ўринли иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини қайта таъмирлаш (II-навбати).
9. Андижон туманидаги 150 ўқувчи ўринли агросаноат касб-ҳунар коллежини қайта таъмирлаш (II-навбати).
10. Андижон шаҳридаги 300/200 ўқувчи ўринли спорт касб-ҳунар коллежини қайта таъмирлаш (II-навбати).
11. Хўжаобод туманидаги 250 ўқувчи ўринли транспорт касб-ҳунар коллежини қайта таъмирлаш (II-навбати).
12. Асака шаҳридаги 250 ўқувчи ўринли тиббиёт касб-ҳунар коллежини қайта таъмирлаш (II-навбати).

Буюртмачи — Андижон вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси (Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси. Телефонлар: 25-25-61, 24-33-72). Қурилиш ишларини молиялаштириш 2005 йил манзил рўйхатига асосан давлат бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-а уй. Тел./факс: 24-72-79.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Изоҳ: Ушбу иншоотлар рўйхатига 2005 йил манзил рўйхатини тасдиқлаш жараёнида ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Эслатма: «Халқ сўзи» газетасининг 2004 йил 19 октябрдаги 217-сонида берилган эълондаги Пахтаобод тумани Шоврук қишлоғидаги 900 ўқувчи ўрнига мўлжалланган касб-ҳунар коллежи 600 ўқувчи ўринли деб ўқилсин.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига! Товар сертификатланган

РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.

«ГАЗ-31105»

«ИЖ-2717»,

«ВАЗ-2106»

«ГАЗЕЛЬ»

Мулоқот учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.

Куз таровати

Рассом Салима Абдураззоқова 16 йилдирки, баракали ижод қилиб келмоқда. Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида рассомнинг "Куз таровати" деб номланган кўргазмаси очилди. Ундан мусаввирнинг 33 та асари ўрин олган. Уларнинг аксариятида шарқнинг мангу қаҳрамонлари, назокатли, соҳибжамол аёллар акс эттирилган.

Асарлар ўзининг нафислиги, руҳий ҳолатларнинг уйғунлиги, бўёқларнинг ранг-баранглиги билан томошабинларда катта таассурот уйғотмоқда.

Д. ЭГАМҚУЛОВА.



Анвар Аҳмедов, Достон Абдуллаев ва Дониёр Ҳожиевлар (чапдаги сурат) Хива шаҳар ҳунармандчилик уюшмасига қарашли "Ичан-Қалъа" қўриқхонасида жойлашган ёғоч ўймакорлиги цехида бир неча йиллардан буён тажрибали устозлардан ҳунар ўрганишяпти. Қадимги Хоразм ўймакорлик санъати сирларидан воқиф бўлишяпти. Мазкур цехда асосан устун, дераза, турли хил сувенирлар ҳамда уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилади. Бунда уста Ҳасан Жуманиёзовнинг (ўнгдаги сурат) хизматлари катта. Шунингдек, уста ўз билимини ёшларга ўргатишдан сира эринмайди.

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

«Ўртоқ» ОАЖ

акционерларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси 2004 йил 17 ноябрь соат 10.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади: 700000, Тошкент ш., В.Малясов к., 57-уй.

Кун тартиби:

1. «Ўртоқ» акционерлик жамиятини масъулияти чекланган жамият «O'RTOQ O'ZBEKISTON—AMERIKA—QOZOG`ISTON» қўшма корхонаси шаклида қайта ташкил этиш.
2. Акционерлар таркибини аниқлаш.
3. Қўшма корхона таъсис шартномаси ва уставини тасдиқлаш.
4. Ташкилий масалалар.

«... ЭЛ БИРЛА АДАБДА ҲУШЁР БЎЛГАЙСЕН»

Хожагон-нақшбандия тариқати пирлари — улуғ боболаримиз баркамол инсонлар бўлганки, шу боис бутун Ғарбу Шарқ уларнинг маънавий меросларига интилмоқда, сабоқ олмоқда. Юртбошимиз саъй-ҳаракатлари билан мана шундай комил инсонлардан бири Ҳазрат Хожа Аҳрорнинг 600 йиллик юбилейи жаҳон миқёсида нишонланаётир.

Ҳазрат Хожа Аҳрор таржимаи ҳоллари, кароматлари, ҳикматлари Жомийнинг «Нафоҳатул-унс», Навоийнинг «Насоимул-муҳаббат», Али Сафийнинг «Рашаҳоту айнул ҳаёт», Абу Тоҳирхожа Самарқандийнинг «Самария», Муҳаммад Қозининг «Силсилатул-орифин», Аҳмад ибн Мустафо Тошкўпирзоданинг «Аш Шақоиқ ан-Нўъмония» ва бошқа асарларда эҳтиром билан баён қилинган.

Шуни таъкидлашни истардикки, Али Сафийнинг «Рашаҳоту айнул ҳаёт» асари бошдан-оёқ Хожа Аҳрорга бағишланган бўлиб, унда нақшбандия ва яссавия тариқатининг буюк пирлари, инчунун, Ҳазрат Хожа Аҳрорнинг устод ва шогирдлари ҳақида тўлиқ маълумотлар бор. Ушбу асардаги маълумотлар энг ишончли ҳисобланади. Чунки Али Сафий бир неча бор Хожа Аҳрор билан учрашган, ул зотга мурид бўлган.

Маълумки, Хожа Аҳрор Тошкентда туғилиб, илмни Самарқанд, Бухоро, Ҳиротдаги аллома, авлиёлардан ўрганганлар.

Ҳазрат Хожа Аҳрор йигитлик даврларида бир неча бор Бухорога келганликлари ҳақида кўплаб манбаларда аниқ маълумотлар бор. Бу зоти шариф хожагон-нақшбандия тариқатининг улуғ пирлари Ҳазрат Хожаи Жаҳон, Хожа Ориф Моҳитобон, Хожа Маҳмуд Фағнавий, Хожа Али Рометаний, Бобойи Самосий, Сайид Мир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд қабрларини зиёрат қилиш билан бирга, ўша вақтда ҳаёт бўлган нақшбандия тариқатининг энг кўзга кўринган пирлари билан мулоқот қилиб, улардан таълим олмоққа ҳаракат қилардилар. Манбаларда таъкидланишича, Хожа Аҳрор бухоролик нақшбандия тариқатининг устодлари Хожа Алоуддин Ғиждувоний ва Шайх Сирожиддин Пирмасий Вобкандийлардан сабоқ олган.

Биз ушбу мақоламизда Хожа Аҳрорнинг устодлари Ҳазрат Хожа Алоуддин Ғиждувоний ҳақларида фикр баён қилмоқни мақсад қилдик.

«Рашаҳот»да ёзилишича, Хожа Аҳрор Ҳазрат Алоуддин Ғиждувонийнинг овозаларини эшитган, лекин у киши билан ҳали мулоқот қилмаган эдилар. Хожа Аҳрор дейдиларки, Бухорога келиб, бир масжидга кирдим. Унда нуроний пирни кўрдим ва кўнглимда суҳбат иштиёқи туғилди. Уч кун суҳбат этдик. Суҳбат охирида ул зот менга дедилар: «Уч кундан бери мен билан суҳбат этяпсиз. Лекин мақсадингиз нима? Агар биздан шайхлик ё каромат талаб қилсангиз, у нарсалар бизда йўқ. Агар суҳбатимиз қалбингизга таъсир этган бўлса, сизга муборак бўлсин!» Шу гапларни айтиб бўлгандан кейин менга Хожа Али Рометанийнинг рубоийларини ўқиб бердилар:

Биров билан суҳбат этдинг ҳар сафар
Қалбинг ғаш бўлди-ю суҳбат бесамар.
Азизоннинг руҳи кечирмас сени
Ундайлар ёнидан қочмасанг агар.

Бу тарихий воқеа 1426 йилда содир бўлган эди. У пайтда Хожа Аҳрор 22 яшар йигит, Хожа Алоуддин Ғиждувоний эса 90 яшар мўйсафид эдилар.

Маънавиятимиз сарчашмалари

Хожа Аҳрор дейдиларки, бидояи ҳолда (яъни, тариқатга кирган дастлабки вақтларда) қалбимда кўп изтироб бор эди. Хожа Алоуддин Ғиждувоний билан ҳамсуҳбат бўлганимдан сўнг бу изтироблар ўз-ўзидан йўқолди ва қалбим ором олди («Рашаҳот», 101-бет).

Кўриниб турибдики, Алоуддин Ғиждувоний суҳбатлари, сабоқларининг шарофатидан Хожа Аҳрорнинг беқарор қалблари қарор топди, изтироблари йўқолди. Тариқатдаги энг муҳим омил, бу қалб оромига эришмоқ ҳисобланади. Қалбнинг ороми эса зикр ила ҳосил бўлур («Раъд», 28-бет).

Хожа Аҳрор яна дейдиларки, мен ёшлигимда шундай бир ақидада эдимки, агар кишига Ҳаққа етган бир авлиёнинг назари тушса, бир зумда мақсад ҳосил бўлур. Лекин Хожа Алоуддин Ғиждувоний дедиларки, мақсудга етмоқ учун саъй-ҳаракат этмоқ, риёзатлар чекмоқ, меҳнат қилмоқ шарт. Қай нарса қўлга осонлик билан етса, осон қўлдан чиқар, яъни бебақодур.

Ҳазрат Навоий ёзадилар: «Хожа Алоуддин Ғиждувоний бағоят ширин такаллум эрмиш» (А. Навоий, Мукаммал асарлар тўплами, 17-том, «Насоимул-муҳаббат», Т., 2001 йил, 274-бет).

Демак, Ҳазрат Алоуддин Ғиждувоний ўз суҳбатлари орқали инсонлар қалбини тезда забт эта олган. У киши одамларни некликка, одоб-ахлоққа, савоб ишларга, тоат-ибодатга, бунёдкорликка панду насиҳат билан, ҳикматли гаплар билан даъват қилар эканлар. Дарвоқе, дин — панду насиҳатдан иборат (ҳадис). Динни дўқу пўписа, ўқу милтиқ, мажбурлаш билан жорий қилмоқ исломда ман қилинган.

Авлиёлар султони Хожаи Жаҳон деганларки:

Айбларни ёпгувчи саттор бўлгайсен,
Қалбларни топгувчи ғамхор бўлгайсен.
Аллоҳ ризолигин топай десанг, эй дўст,
Эл бирла адабда ҳушёр бўлгайсен.

Фақат яхшиликни ўйлаб, яхшилик қилишдан чарчамаслик, эзгу ҳулқ-атворга эга бўлиш, борини ўзгалар билан баҳам кўриб, муҳтожлар ҳожатини чиқариш, пиру устозлар, дўст-биродарлар номуси, шарафининг суҳбатига етиш — тариқатдир (Н. Комилов, «Тасаввуф», Т., «Ёзувчи», 1996 йил, 113-бет).

Хожагон-нақшбандия тариқатида ҳам бошқа тариқатларда бўлгани каби зикр, мурақаба ва бошқа амаллар бор. Лекин хожагон-нақшбандия тариқати пирлари хизматни (яъни юртга, халққа хизматни) зикр, мурақаба ва нафл намоз (яъни, қўшимча намоз)лардан афзал билганлар («Рашаҳот», 310-бет).

Хожа Аҳрор Ҳазрат Алоуддин Ғиждувоний билан қирқ кун ҳамсуҳбат бўладилар, шундан сўнг ижозат хати оладилар. Хожа Аҳрор билан хайрлашаётган пайтда Ҳазрат Алоуддин Ғиждувоний шогирдларига дейдилар: «Субҳоналлоҳ, бу Хожа Убайдуллоҳ эмас, балки Хожа Баҳоуддин Нақшбанд турурким, яна бир мартаба дунёга минг камол бирла зиёд бўлиб келиб турур!» («Рашаҳот», 103-бет).

Дарҳақиқат, Хожа Аҳрор Алоуддин Ғиждувоний Хожа Аҳрор Валийнинг келажакларини, улуғ даражаларини олдиндан кўриб билган эдилар.

Юртбошимиз: «Биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўгитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз» деган эдилар.

Ҳеч шак-шубҳа йўққи, мана шу руҳда тарбия топаётган авлод комил инсон, ҳар томонлама етук шахс бўлажак.

Садриддин САЛИМ БУХОРИЙ.

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН
ЛИНОЛЕУМЛАРНИ
ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.
Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.
Телефон 134-48-11
Товар сертификатланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ЎЗГИДРОМЕТ»ГА ҚАРАШЛИ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
қуйидаги соҳалар бўйича аспирантурага қабул эълон қилади:
11.00.07 (қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари ва гидрохимия);
11.00.09 (метеорология, иқлимшунослик, агрометеорология).
Манзилимиз: 700052, Тошкент шаҳри, Қ.Махсумов кўчаси, 72-уй. Телефон: 135-83-25.
42, 88, 89, 95-автобусларнинг «Гидрометцентр» бекати.

O'ZSANOATQURILISHBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация)
ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»
предлагает к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.
Завод-изготовитель – «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

Диаметры труб (мм)	Цена за 1 тонну сум. Цены действительны по 22.11.2004 г.
ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:	
ДУ 15х2,8 мм	939000
ДУ 20х2,8 мм	939000
ДУ 25х3,2 мм	929000
ДУ 32х3,2 мм	919000
ДУ 40х3,0 мм	919000
ДУ 50х3,0 мм	919000
ДУ 65х4,0 мм	899000
ДУ 80х3,5 мм	899000
ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:	
89х5,0 мм	899000

Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):
- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Контактные телефоны: 132-20-56, 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56.
E-mail: uzkommashta@tkt.uz
Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Ниёзбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Узбеккоммуналлойиҳа».
Товар сертифицирован, услуги лицензированы.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН!
КЎРКАМ БИНОЛАР ҚУРАЁТГАНЛАР УЧУН!
ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ БЎЛИБ «ALCOPON» АЛЮМИН-ПЛАСТИКЛИ КОМПОЗИТ ПАНЕЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН «AND-POLIC» ЎЗБЕК-АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ БИНОЛАРНИНГ ДЕКОРАТИВ БЕЗАКЛАРИ УЧУН ҚЎЛЛАНАДИГАН ЯНГИ «ALCOPON» ТУРИДАГИ ПАНЕЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШИ БОШЛАНГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ
(бу гранит ва мармарга мос тусдаги панеллар бўлиб, қалинлиги бинонинг олд қисмини безатиш учун 4 мм, бинонинг ички қисми учун эса 3 мм).
БУНДАН ТАШҚАРИ ШУ ЙИЛ 15 ДЕКАБРГАЧА АМАЛДА БЎЛАДИГАН МАВСУМЛАРАРО 20% ВА УНДАН АРЗОНРОҚ НАРХЛАРДА МАҲСУЛОТЛАРНИНГ СОТИЛИШИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.
Ваколатхона: Ўзбекистон, Тошкент ш., Муртазоев кўч., 6/89
Тел.: +(99871) 1348216, факс +(99871)1348357
Завод: Ўзбекистон, Андижон ш., Пирмуҳамедов кўч., 96
E-mail: andpolic@rol.uz
ШАҲРИНГИЗНИ ГЎЗАЛ ВА ЗАМОНАВИЙ ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ!
ALCOPON AND-POLIC
Товар сертификатланган

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА жамоаси агентликнинг Ахборот назорати бўлими ходимаси Бахтинисо Акрамовага онаси

Тожинисо АКРАМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш республика маркази жамоаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Шермуҳаммад Тўраевга волидаи муҳтарамаси

ШАРОФАТХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси профессори Ғуломжон Аҳмаджоновга синглиси

Холида РЎЗИЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўздиптрансхизмат» хўжалик ҳисобидаги ташқи иқтисодий транспорт маркази жамоаси марказ бош раҳбари

Адҳамжон АЪЗАМОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректорати маданий-маърифий ишлар ва социология кафедрасининг катта ўқитувчиси

Зоир ШОКИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

М. Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти жамоаси институтнинг қўшиқчилик кафедраси концертмейстери Абдумалик Зияевга падари бузруквори

Ҳасан ота ЗИЯЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —968. 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид Тогаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[!]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Б. Ғофуров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 12345